

ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУОММО СИФАТИДА

University of science and technologies
“Аниқ фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
Мурадов Салахиддин Джуманазарович.
Salohiddin.muradov.78@mail.ru

Аннотатсия: Ушбу илмий мақолада талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантириш ва уларни касбий тайёрлашнинг ҳозирги замондаги мақсадлари уларнинг рақамли технолологияларга асосланган таълими мазмунини ва тузилмасини жиддий ўзгартиришни назарда тутган ҳолда жамиятнинг ижтимоий буюртмасини жорий этишга, бугунги кундаги замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга айниқса, фан ва техникани ҳозирги ривожланиши шароитида талабаларниларини техник ижодкорлик компетентлигини рақамли технологиялар асосида тайёрлаб боришнинг яхлит тизимини яратиш муаммоси алоҳида долзарблиги кўзда тутилган.

Калит сўзлар: замонавий компетентсиялар, рақамли технологиялар, рақамли ўқитиш, технологик ёндашув

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантириш ва уларни касбий тайёрлашнинг ҳозирги замондаги мақсадлари уларнинг рақамли технолологияларга асосланган таълими мазмунини ва тузилмасини жиддий ўзгартиришни назарда тутди. Ушбу мақсадлар жамиятнинг ижтимоий буюртмасини жорий этишга, бугунги кундаги замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга йўналтирилган. Айниқса, фан ва техникани ҳозирги ривожланиши шароитида олий педагогика таълим муассасаларида талабаларниларини техник ижодкорлик компетентлигини рақамли технологиялар асосида тайёрлаб боришнинг яхлит тизимини яратиш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори қабул қилинди. Қарорда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш вазифалари белгилаб берилган. Талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришда методик жиҳатдан тайёрлаш негизида қуйидаги тамойиллар ётади:

Талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришда методик жиҳатдан тайёрлашни инсонпарварлаштириш;

Илм-фан технологияларининг тезкор ривожланиши шароитида талабаларнинг шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга педагогик муоммо сифатида ёндашиш;

Талабаларнинг шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга тизимли ва технологик ёндашув;

Талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришда соҳага

оид билимлар билан бир каторда методик билимлар билан қуроллантириш ва уларга рақамли технологияларини қўллаш олиш методикасини такомиллаштириш;

Юқорида қайд этилганлардан англанадики, бугунги кунда талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришда замонавий рақамли ахборот технологиялари ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш амалиётидан фойдаланиб, уларнинг ўз касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб бориш ва бунда самарали инновацион услубларни ўзлаштириб олиб, амалиётга жорий этиш зарурлиги келиб чиқади. Мустақилликнинг 2017-2023 йилларида янги Ўзбекистонимизнинг иқтисодиётида, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилиб янгидан янги замонавий техника ва рақамли технологияларга асосланган унверситетлар олий таълим даргоҳларининг бир неча бор қупайтирилганлиги қувонарлидир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатларининг 5 та ташаббус орқали қарор топиши билан боғлиқ равишда ишлаб чиқариш илим фан ривожланиши жараёнида фаолият юритаётган, шунингдек, ОТМда тайёрланаётган кадрларда назарий билимларни амалиётга бевосита, самарали татбиқ эта олиш ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж шаклланди. Талабаларнинг техник ижодкорлик компетентликка эга бўлишлари юқорида қайд этилган эҳтиёжни қондиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Талабаларнинг техник ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришда ОТМ тахсил олаётган талабаларда техник ижодкорлик компетентлигини рақамли технологиялар асосида шакллантиришга хизмат қиладиган зарур педагог шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хасанов А.А. Современная теория обучения на межпредметной основе // Science and world. – Volgograd, 2016. -№8 (36), vol II. – С. 76-78

2. Хасанов А.А. Дидактический анализ проблемы межпредметных связей и возможности их использования в средне-специальных учебных заведениях // МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ // ежемесячный научный журнал № 1 (36)/2012 Том II 129-130с. ISSN 2072-0297 Чита-2012 г.

3. Хасанов А.А. Ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадрликни амалга оширишнинг психологик-педагогик асослари // Замонавий таълим // илмий- амалий оммабоп журнал. Тошкент-2017, №10, 9-14 бетлар
4. Хасанов А.А. Маматкаримов К.З. Межпредметные связи как дидактические условия повышения эффективности учебного процесса // МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ // ежемесячный научный журнал № 20 (124)/ октябрь-2, 2016 г.
5. Хасанов А.А. Дидактический анализ проблемы межпредметных связей и возможности их использования в средне-специальных учебных заведениях // МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ // ежемесячный научный журнал № 1 (36)/2012 Том II 129-130с. ISSN 2072-0297 Чита-2012 г.
6. Хасанов А.А. Ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадрликни амалга оширишнинг психологик-педагогик асослари // Замонавий таълим // илмий- амалий оммабоп журнал. Тошкент-2017, №10, 9-14 бетлар
7. A Shavkat. [RADIAL VIBRATIONS OF A VISCOELASTIC SPHERICAL SHELL](#)// Universum: технические науки, 2022, 3-7 (96).
8. S Akhmedov, S Almuratov, M Avezov, N Tuxtayeva, F Hamidov. [Mathematical simulation of calculation of a brake shoe for equivalent concentrated dynamic load](#)// AIP Conference Proceedings 2647 (1).
9. ASN Safarov I.I, Esanov N.Q. [About research of spectra of own oscillations thin-wall plates in magnetic fields](#)// European Journal of Molecular and Clinical Medicine 7 (7), 1109-1116.
10. RA SAFAROV ISMAIL IBRAGIMOVICH, ALMURATOV SHAVKAT NARPULATOVICH, ESANOV . [DYNAMIC CALCULATION OF PIPELINES SHALLOW BASIS ON THE BASIS OF THE THIN SLIM THEORY](#)// International Journal of Innovations in Engineering 2020/7.
11. ТМХ Алмуратов Ш, Райимов Д, Сафаров И.И. [О собственных крутильных колебаниях цилиндрической оболочки в вязкоупругой среде](#)// МАИ. материалы XXVI международного симпозиума проблемы механики конструкций и сплошных сред, 2020/3.
12. SA Ismoil Ibragimovich Safarov, Nurillo Raximovich Kulmuratov, Matlab ON THE DYNAMIC STRESSED-DEFORMED STATE OF ISOTROPIC RECTANGULAR PLATES ON AN ELASTIC BASE WITH VIBRATION LOADS// International Scientific Journal theoretical applied Science 2 (82), 362-367.